



ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ
21 МАРТДАН
ЧИҚА БОШЛАГАН

ISHONCHI

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2003 йил 31 декабр, чоршанба № 207-208 (1633)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА
ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Ислом КАРИМОВ:
Кириб келаётган йилни: Меҳр ва мурувват йили деб эълон қилишдан мақсадимиз - одамларимиз қалбида эзгу туйғуларни уйғотишни давом эттириш, айниқса, фарзандларимизда ҳам шундай ноёб фазилатларни камол топтириш, бу хусусиятларни миллатимиз ҳаёт тарзининг узвий ва ажралмас бир қисмига айлантиришдан иборатдир.

Ўзбек халқи деганда, аввало бағрикенглик, саховат ва меҳр-оқибат каби инсоний сифатлар кўз олдимишга келади. Халқимизнинг удумлари, миллий қадриятларимиз ҳам шунга монанд. Истиклол йилларида бу анъаналар янада сайқал топди. Ўзига хос маъно ва мазмун касб этди. Бу эзгу ишлар мамлакатимизда инсон омилига берилётган юксак эътибордан далолатдир.

Янги йил байрами арафасида анъанавий тарзда ўтказиладиган Президент арчаси танталарининг бу галгиси ҳам юқоридаги саховатли ишларга ҳамоханг тарзда келажаги порлоқ болажонларимиз чехрасини табасумга, кўнгилларини шодликка тўлдирди. Меҳр ва мурувват йилига пешвоз чиқётган хажжи ватандошларимиз - Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, кам таъминланган, кўп болали оилалар фарзандлари учун мамлакатимизнинг бош арчаси бу сафар пойтахтимизнинг мухташам «Туркистон» саройида кучоқ очди. Байрамона безатилган ўрмон маликаси атрофи шу кунги болажонларнинг шўшондон ўйин-кулгулари билан чўлғонди. Арча атрофидаги томошаларда Қорбобо, Қорқиз ва бошқа турли эртақ қахрамонлари ширинтой ўғил-қизлар билан бирга эртақлар оламига сайр қилдилар, билмдон, доно, зукко болажонларга совға-саломлар улашдилар.

сўрот қолдириши шубҳасиздир. Чунки миллий рух суғорилган саҳна асаридо она юртга муҳаббат, садоқат, миллатлараро дўстлик, тотувлик, ҳамжиҳатлик, фидойилик мадҳ этилди.

Нихоят, байрам иштирокчиларига Президентимиз совғалари топширилди.

Қалбларни илиқ ҳислар чулғайди. Президентимиз совғаларини олган ҳар бир бола қалбига Ватан, Она юрт, садоқат, меҳр-муҳаббат каби муқаддас туйғулар муҳрланади. Қуришиб турибдики, гўдакларга бахшида меҳр албатта ўз мевасини беради. Меҳр-муҳаббат огушида улғаяётган болажонлар келажакда Ватанга содиқ, мард, саховатли инсонлар бўлиб камолга етадилар. Зеро, эзгулик эзгуликка етаклайди.

Муҳаббат
ЎРМОНБЕКОВА



Президент арчаси аввало кўнгли ўқсик ўғил-қизлар кўнглини кўтарди. - дейди тантананага набираларини олиб келган онахон Василя ая. - Айниқса, маҳаллардаги биз каби кам таъминланган оилаларга кўрсатилаётган ғамхўрлик, бағрикенглик намуналарини муҳтарам Президентимизнинг ўзлари бошлаб бераётганликларидан беҳад миннатдоримиз.

Таъкидлаш жоизки, Президент арчаси шодиналаридан ҳар йили кўпдан кўп болажонлар баҳраманд бўлмоқда. Бу йил ҳам 29 декабрда пойтахтимизда бошланган тантаналар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятларда давом этади. Болажонларга Президент совғалари топширилади.

Мамлакатимизнинг бош арчаси - Президент арчасига ташриф буюрган ўғил-қизлар учун ўйин-кулгулардан сўнг «Томоша» болалар гуруҳи томонидан ажойиб саргузаштларга бой саҳна асари намойиш этилди. Бу томоша болажонларда катта тас-



ПРЕЗИДЕНТ АРЧАСИ инсонийлик ва меҳр-мурувват тимсоли



ВИЛОЯТ КЕНГАШИДА ЙИЛ ЯКУНИ

Жойларда халқ депутатлари вилоятлар кенгашларининг сессиялари бўлиб ўтмоқда. Уларда вилоятларни ривожлантиришнинг жорий йилдаги яқунлари таҳлил этилиб, келгуси режалар белгилаб олинмоқда.

ТОШКЕНТ. Халқ депутатлари вилоят кенгашининг навбатдаги сессиясида маҳаллий бюджетнинг 2003 йилдаги ижроси атрофида таҳлил этилди. Утган ўн бир ой мобайнида вилоятда ишлаб чиқариш, истеъмол товарлари тайёрлаш, аҳолига савдо ва маиший хизмат кўрсатиш ҳажми анча ўсди. Шунга қарамай, бозор талабларига мослаша олмаётган корхоналар ҳамон мавжуд. 204 корхонанинг 16 тасида ишлаб чиқариш суръати пасайиб кетган. Бозор талабларига мослаша олмаётган корхоналарнинг 16 тасида ишлаб чиқариш суръати пасайиб кетган. Бозор талабларига мослаша олмаётган корхоналарнинг 16 тасида ишлаб чиқариш суръати пасайиб кетган.

Салбий таъсир кўрсатаётган. Вилоят бюджети даромад режасининг мунтазам бажарилаётгани иқтисодий инфратузилмани жадал ривожлантириш, халқ таълими, соғлиқни сақлаш тизимидаги ислохотларни янада чуқурлаштириш, аҳолининг кучли иқтисодий ҳимоясини таъминлаш имконини бермоқда, деб таъкидланди сессияда.

Сессияда маҳаллий давлат ҳокимияти органларига корхона ва хўжаликларда ишлаб чиқаришни бир маромда ташкил этиш, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш баробарида бюджетта 11,1 миллиард сўмлик тайёр маҳсулот чанг босиб ётибди. Ангрэн шаҳри, Зангиота, Бўстонлик, Чиноз туманидаги аксарият корхоналарда тайёр маҳсулотлар қолдиги тобора ортиб бормоқда. Бу эса боқиманда қарзларнинг кўпайиши, маҳаллий бюджет кўрсаткичларига

асосий мижозлари бўлади. Мини-банкнинг очилиш маросимида ушбу муассасада ёшлар учун 1000 тўловлари юқори қисқа муддатли омонатларни очиб ҳақида эълон қилинган ҳам беҳиз эмас.

УНУТИЛМАС ОНЛАР ШУКУҲИ

Янги йил арафасида «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиаканьясини самолётлари халқоракатнов кўламининг янада кенгайтирди. Япония, Хитой, Малайзия, Таиланд каби Осиё давлатлари қаторига Вьетнам ҳам қўшилди.

Энди пойтахтимиздан кўтарилган ҳаво кемаси етти соатлик масофани орта қолдириб, қитъамизнинг Жануби-Шарқий минтақасидаги Вьетнамнинг йирик санюат маркази - Хошимин шаҳрига бориб-қайтади.

Отажон Худойшукуров номидаги халқаро жамғарма Элликальпа туманидаги 22-урта мактаб ошонкасида 800 минг сўмлик жиҳоз олиб берди.

Жамғарманинг янги йил соҳасидан мамнун бўлди, - дейди

мактаб директори Комилжон Қозоқов. - Келтирилган жиҳозлар мактаб ошонкасида бир вақтнинг ўзига 150 ўқувчи овқатланиши учун имкон яратди.

Сирдарё вилояти марказида қурилиш техникуми ўрнида компьютер ва ахборот технологиялари коллежи очилди.

Фақат ўқув муассасасининг номинга ўзгаргани йўқ. Эски ўқув корпуси таъмирланиб, иккинчи янги қисми бунёд этилди. Натижада хоналар сони икки баробар кўпайди. Махсус хоналар замонавий ускуналар ва компьютер техникаси билан жиҳозланган.

Ўқитувчилар таркиби ёш мутахассислар билан тўлдирилди. Ўқув муассасасининг таъмирдан чиққан ётоқхонасида ҳам катта ўзгаришлар

рўй берди - бинони иситиш тизими ва ювиниш хоналари узлуксиз ишламоқда, эски мебеллар янгисига алмаштирилди.

Урганч иқтисодиёт касб-хунара коллежи ҳузурида мамлакатимизда хозирча ягона ўқув ҳамда молия муассасаси иш бошлади. Бу ерда ўқув юрти ташаббуси билан янги йил арафасида «Тадбиркорбанк»нинг Хоразм вилояти бошқармаси кўмагида мини-банк ташкил этилди.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш касбга йўналтирилган таълимнинг замонавий ўқув-ишлаб чиқариш базасини яратишни тақозо қилади, - дейди коллеж директори, иқтисодиёт фанлари доктори Тангиберган Дўсқонов. - Ушбу мини-банк иқтисодлаштирилган ўқув юртимизда ташкил

этилган ана шундай база ҳисобланади.

Ҳап шундаки, коллеж асосан банк тизими учун мутахассислар тайёрлайди. Бунгача ўқувчиларнинг вилоятдаги турли банкларда ишлаб чиқариш амалиётини ўташи катта ташкилий қийинчиликлар билан боғлиқ эди. Энди эса бўлғуси банкирлар ўз касбининг назарий ва амалий кўникмаларини ўзлаштириши учун шу ернинг ўзида барча шароит яратилган. Шу билан бирга, вилоят марказидаги бошқа касб-хунара коллежларининг иқтисодиёт бўлимидаги ўқувчилари ҳам мазкур мини-банкда ўқув амалиётини ўташи мумкин.

Айни пайтда бу мини-банк шахсий ҳисоб ва депозит рақамларига эга мустақил молия муассасаси ҳисобланади. Шаҳардаги касб-хунара коллежлари ва академик лицейлар ўқувчи ҳамда ўқитувчилари унинг

асосий мижозлари бўлади. Мини-банкнинг очилиш маросимида ушбу муассасада ёшлар учун 1000 тўловлари юқори қисқа муддатли омонатларни очиб ҳақида эълон қилинган ҳам беҳиз эмас.

Шаҳардаги «Зилола текс» акциядорлик жамияти янги йилдан маҳсулот турини кўпайтиради. Бу ерда болалар ва ўсмирлар учун турт хилдаги спорт кийимлари ҳамда кўпоқлар тайёрланади. Бундан бир неча йил олдин ночор корхоналар рўйхатига тушиб қолган «Зилола текс» бозор талаблари асосида иш юритиб, сезиларли ютуқларга эришмоқда. Йил давомида корхонада қирқ миллион сўмлик маҳсулот тайёрланди.

(ЎзА)

(ЎзА)

2004: ЭЗГУ НИЯТ, ЁРҚИН РЕЖАЛАР БИЛАН

касаба уюшмалари меҳнаткашлар ҳақ-ҳуқуқининг устувор ҳимоячиси



ИНСОН БОРКИ, БАХТГА ИНТИЛАДИ

Ҳаяжонли, айни пайтда шукҳули ушбу дақиқаларда ҳар биримиз яқинига етаётган йилда бошимиздан кечирган кунларни, ҳаяжонли онларни бир-бир эслаб, Яратганга шукроналар айтмай, Чинданам 2003 йил ўзининг мураккабликлари, муаммолари билан бир қаторда мушаккил Ўзбекистонимизда амалга оширилган бунёдкорлик ишларининг қўлами, ҳеч қандам кам бўлмаган ҳаётни таъминлаш борасида амалга оширилган саъй-ҳаракатлар билан эсда қолади. Қувончли шуки, хайрли ишлардан Марказий қўмитамиз ҳамда тармоқларнинг ходимлари ҳам четда қолаётгани йўқ.

Вазирлар Маҳкамасининг «Обод маҳалла йили» давлат Дастури асосида 2003 йилда тармоқ ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитамиз томонидан кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Хусусан, соҳа ишчи-хизматчилари ўртасида соғлом турмуш тарзи, ижтимоий адолат, ўзаро меҳр-оқибат ва маънавий-ахлоқий бутунлигини таъминлаш мақсадида ўқитиш республика кўрик-танлови ўтказилди. Шу билан бирга меҳнаткашлар, уларнинг фарзандларини соғломлаштириш, ёшлар ўртасида спортни кенг тарғиб этишга жиддий эътибор қаратилди ва қаратилмоқда. Шу маънода туртинчи республика спартакиадасининг аҳамияти каттадир. У қанчадан-қанча кишиларни спорт билан ошно қилди, янги тўғрақлар очилишига сабабчи бўлди. Спартакиада ғолиблари Марказий қўмита ва ҳомий ташкилотларнинг қимматбахо эҳдолик совғалари, диплом ва Фахрий ёрликлар билан тақдирланди.

Кам таъминланган, ёрдамга муҳтож оилаларга меҳр-муруват кўрсатиш бўйича ҳам талай хайрли ишлар амалга оширилди. Рамазон ҳайити арафасида пойтахтимизнинг Миробод туманидаги Шароф Рашидов номили маҳалла, Сирдарё вилоятидаги қўмақа муҳтож тармоқ меҳнаткашлари фарзандлари ҳамда Тошкент туманидаги Навоий номили ширкат ўхшашлигида яшовчи кам таъминланган оилалар фарзандларига кийим-кечаклар олиб берилди. «Меҳр ва муруват йили»да бу борадаги ишларимиз янада самарали бўлади.

Қўмитамиз Президент Фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари асосида тадбирлар белгилаб, уларни изчил амалга оширишга астойдил ҳаракат қилмоқда. Қўмитамиз қўлаётган йилимизда маънавий ва маърифат масалаларига алоҳида эътибор берилганлигини таъкидлаш жоиз. Бу масала Раёсат Йиғилишида атрофлича муҳокама қилиниб, келгусидаги режалар аниқ-равшан белгилаб олинди.

Шаҳодат Тўлаганова,
Ўзбекистон енгил, мебел саноати ва коммунал-маиший хизмат ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси ташкилий ишлар бўлими мудири

КЎНГИЛ ОВЛАШ ОСОНМАС

Бозор шароитининг ўзига хос мураккабликларини муваффақиятли енгиб ўтиш учун омилкорлик, қатъиятлик ва ташкилотчилик кўрсатиб ишлаш лозим. Меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоялаш, уларнинг манфаатларини қаттиқ туриб ҳимоя қилиш борасида жамоа шартномасининг аҳамияти қатъа бўлаётти. Меъёрий ҳужжатнинг бажарилиши Марказий қўмитамиз томонидан қатъий назоратга олинган. Бу борада жойлардан мунтазам равишда маълумотлар олиб борилади. Улар умумлаштирилиб, илгор тажрибаларни оммалаштирилади.

Битим ва жамоа шартномаларида назарда тутилган имтиёзлар ходимларнинг иш билан бандлик масаласига, ойлик маошнинг ўз вақтида тўланиши каби масалаларни қабул қилинган бўлиб, улар орқали 50 мингдан ортиқ меҳнаткашлар билан бир қаторда пенсионерларнинг ҳам манфаатлари ҳимоя қилиб келинмоқда. Хар бир ишчи-хизматчига



ҳам ўз ичига олади. Жумладан, соҳанинг барча ходимларига меҳнат таътили 18 иш кунли сифатида белгиланган. Бунда зарарли, оғир ва мураккаб шароитлар учун қўшимча меҳнат таътили сақлаб қолинган.

Алоқа ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси жамоа шартномалари ва битимларнинг тузилиши, мазмун-моҳиятини давр талабларидан келиб чиққан ҳолда йилдан йилга мукамаллаштириб бормоқда. Бу борада Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, «Ўзбек-телеком» акциядорлик компанияси, «Ўзбекистон почтаси», «Матбуот тарқатувчи» ҳиссасдорлик жамиятлари билан битим имзоланган.

Бугунги кунда касаба уюшмалари ҳам, иш берувчи ҳам меъёрий ҳужжатларга бирдек талабдор. Бойси у ҳар икки томон учун гоянда зарур ва манфаатли эканлигини ҳаёт исботлади. Хозирда тизимимизда 151 та жамоа шартномаси белгиланган имтиёзлар, ижтимоий ҳимояга сарфланмайдиган маблағлар миқдори йилдан йилга ошаётган бўлмоқда. Агар 2001 йилда шу мақсад учун бир кишига сарфланган маблағ 207 минг сўми ташкил этган бўлса, 2002 йилда бу кўрсаткич 255 минг сўми бўлди. Жорий йилда эса сезиларли даражада кўпайди. Биз касаба уюшмалари меҳнаткашлар ҳақ-ҳуқуқининг устувор ҳимоячиси, деган сўзининг салмоғи ва масъулиятини чуқур англаб, ҳаракат қилаямиз.

Шу ҳаяжонли онларда Янги йил ҳар бир юртдошимиз, ҳар бир оилага бахту саодат, тинчлик ва байзуб барака олиб келсин, дея ният қиламиз.

Клара МУҲАММАДЖОНОВА,
Алоқа ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитасининг меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳимоя қилиш бўлими мудири



АСОСИЙ ИШЛАР ОЛДИНДА

Янги йил арафасида Тошкент вилояти ҳудудида аҳоли учун қўлайликлар яратувчи янги-янги ишхолатлар, муассасалар, савдо шохобчалари ишга туширилди. Бозорларда, савдо шохобчаларида бўлсангиз ноз-неъматларни кўриб, Ўзбекистон чинданам жиннатмакон ўлка, деган қўнг кўнглимиздан ўтади. Мухими, одамлар эртанги кунга қатъий ишонч ва қатъа режалар билан боришмоқда.

Тошкент вилояти соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма қўмитаси ўз атрофига 70 мингдан зиёд аъзони бирлаштирган. Унинг таркибида 352 та бошланғич ташкилот мавжуд. Зеро, бошланғич ташкилот кўп ишга қодир. Билимдон, тажрибали айни пайтда жонқуяр етакчилар бош бўлган жойда одамлар мушқулини осон этиш, хайрли тадбирларни рўйга чиқаришга эришилмоқда. Ходимларимиз ижтимоий шерикчилик тамойиллари асосида иш берувчи ва касаба уюшма ўртасида тузилган жамоа шартномалари ва келишувлари асосида меҳнаткашлар ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялашда амалий ҳамда услубий ёрдам кўрсатиб келмоқда. Бу борадаги ишлар муҳокамадан ўтказилиб, унда амалда оширилмай қолган тадбирлар, иш жойларини аттестациядан ўказиш атрофлича ўрганилди. Камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли ташкилотларга талабномалар юборилди.

Яқинда вилоят тармоқ қўмитаси томонидан жамоа шартномаларининг шаҳар ва туманларда турли кўринишда эканлиги эътиборга олинди, ягона кўринишдаги, барча қонун ва талабларга жавоб берадиган жамоа шартномаси лойиҳаси тузилди. У Марказий қўмита, вилоят кенгаши мутахассислари экспертизасидан ўтказилди. Ушбу лойиҳалар жойларга қўланма сифатида тарқатилди. Бу фаолиятимизни янада жонлантириш, ҳамқору ҳамжиҳат ҳаракат қилишда муҳим рол ўйнайди.

Меҳнаткашлар ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, ҳозирги кундаги асосий вазифалардан биридир. Янги йилда бу борада кенг қўламли тарғибот-ташвиқот ишлари амалга оширилади. Тиббиёт масканлари, соҳамизга оид марказлар билан алоқани янада мустаҳкамлаймиз. Ҳаёт шуни кўрсатмоқдаки, айниқса, қишлоқ жойларидаги тармоқ ходимлари баъзан андишага бориб, ҳақ-ҳуқуқларини талаб қилишдан йи-манадилар. Қўмита аралашуви билан иш ҳақидан қарздорликни бартараф этиш, ноқонуний ишдан бўшатилганларни ўз ўрнига тиклаш юзасидан амалга оширилган ишлар таҳлили шундан далолат беради. Янги йилни кўтаринки кайфият, янги режалар билан қарши олмақдамиз. Асосий ишлар хали олдинда.

Ҳасиба АСАДОВА,
Тошкент вилоят соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма қўмитаси меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳимоя қилиш бўлими мутахассиси

«ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНА»

ДОИМИЙ ХИЗМАТДА

Мушаккил Ўзбекистонимизда қонун устувор. Зеро, қонунга суянган қокилмайди, деб бежиз айтишмайди. Бахтга қарши бунга ҳамма билса-да, айрим ўринларда қонунни четлаб ўтиш, инсон ҳақ-ҳуқуқини чеклаш ҳоллари оз бўлса-да, учраб туради. «Ишонч» газетасида меҳнаткашлар, фуқароларнинг саволларига ҳуқуқшуносларнинг жавоблари мунтазам бериб боришмоқда. Бу хайрли ишга ўзим ҳам озми кўпми ҳисса қўшаётганимдан бағоят хурсандман.

Матбуотга ошно бўлиб, ўзим ҳам ҳуқуқшунос сифатида анчайин танилиб қолдим. Мурувват қилувчилар сони кўпайди. Катта бир қорхонада бўлганимизда ҳомиладор ва ёш болаларга аёлларга қонунчиликда белгиланган имтиёзлар ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида батафсил тушунтириш беришимизни сўрашди. Давра суҳбатда кўпчиликни қизиқтирган масала юзасидан қилинаётган ҳуқуқшуносларнинг чиқишлари ҳам бу борада муҳим рол ўйнамоқда.



Янги йилда тинмай изланиб, билим ва маҳоратимни янада оширишга ҳаракат қиламан. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши тасарруфидо фаолият юритаётган энг тажрибали ҳуқуқшунослар, мутахассислар Карим Мухторов, Йўлдош Аҳмедов, Махмуд-

жон Исаев, Насиба Тилла-хўжаева билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлаб, «Биздан сўраган эдингиз» божабар бўлишлари, имтиёзлардан унумли фойдалана билишлари учун кўпгина тушунтириш, тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришимиз керак. Оммавий ахборот воситалари, радио ва телевидение орқали

лўнда тушунча берилди. Хўлоса шуки, хали фуқароларимиз амалдаги қонунларимизнинг ақсариятидан божабар бўлишлари, имтиёзлардан унумли фойдалана билишлари учун кўпгина тушунтириш, тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришимиз керак. Оммавий ахборот воситалари, радио ва телевидение орқали

Гулноза САТТОРОВА,
ҳуқуқшунос

Сарҳисоб

ЯХШИЛИК ҚОЛУР

Касаба уюшма ҳаракати давр билан ҳаммадан бўлмас экан, ишда силжи сезилмайди. Зеро, меҳнаткаш манфаати устуворлиги, ижтимоий муҳофазалашдаги ижобий тадбирлар, меъёрий ҳужжатлар ижросини таъминлаш ташкилотнинг муҳим вазифаларидир. Бундай самарга жойларда қандай эришилаётти? Хусусан, Сирдарё вилоят муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси ўз бурчини қандай адо этаётти?

Таъкидлаш жоизки, уюшма таркибидаги 136 та бошланғич ташкилот етакчилари саъй-ҳаракати билан ойлик маошда узлишларга барҳам берилган. Имзоланган 127 та жамоа шартномаларида кўзда тутилган имтиёзлар амалда ижросини топапти. Тармоқ ходимлари манфаатлари ва ҳуқуқий кафолатлари, меҳнат режимининг адолатли тизими жорий этилганлиги жамоа шартномалари таъсирчанлиги тобора ошиб бораётганидан далолат беради. Шартномаларни экспертиза қилиш бўйича вакиллик комиссияси томонидан меъёрий ҳужжат қондалари сифати адо этилди. Утган фурсатда раёсат йиғилишларида вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бошқармаси ва унинг туман, шаҳар бўлиmlари, «Пахта банк» тизими, «Ватанпарвар» жамоатчилик ташкилоти, халқ банки бўлиmlарида меҳнат муҳофазаси меҳнаткашлар манфаатлари ва ҳуқуқий кафолатларини таъминлаш, жамоа шартномалари ижроси ва бошқа қатор масалаларнинг мутасадди раҳбарлар иштирокида муҳокама этилганлиги бу борадаги ишлар яхшиланишига яна бир туртки бўлди.

Утган давр мобайнида 40 та ёзма, 86 та оғзаки муурожаатлар рўйхатга олинган эди. Бу муаммоли масалаларнинг деярли барчаси ижобий ҳал этилди. Иш берувчиларнинг ноҳақ қарорларидан азият чеккан кўплаб фуқаролар манфаати ҳимоя қилинди. Чунончи, вилоят статистика бошқармаси ходими Моҳира Абдурахмонова, Гулистон тумани давлат солиқ инспекциясидан Гулбахор Раҳматуллаева, Ширин шаҳар ҳокимлиги ижроия девонидан Гулчехра Ҳўжаева, вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофазаси қилиш бошқармасига қарашли «Мурувват уйи»дан Роза Исоқовалар ноҳақ иш-

рини яна бир бор синовдан ўтказди. Тармоқдаги ташкилот ва муассасаларда ходимлар саломатлигини тиклаш, улар оиласига ижтимоий ёрдам кўрсатишда ибратли ишлар кўзга ташланади. Тизимда ишлётган ҳар бир аёл 7 ёшгача бўлган фарзандларини даволатиши учун бир йилда бир маротаба энг кам иш ҳақининг 4 баробари миқдорда моддий ёрдам олиш ҳуқуқига эга бўлди. Мактаб ёшгача фарзанд тарбиялаётган кўп болали оилалар, 2-3 ёшгача бўлган болаларига қаровчи оналарга ҳам қатор имтиёзлар жорий этилди. Шунингдек, байрам ва тантаналарда кам таъминланган хонадонлар, соҳа фахрийлари, ноғиронлар ва боқувчисини йўқотган кишиларни моддий жиҳатдан қўллаш, хонадонларни таъмирлашга ҳам кўмак кўрсатилаётти. Биргина вакиллик томонидан кўп болали оилалар фарзандларига 50 минг сўмлик дарсликлар олиб берилган бўлса, яқна-ёлғиз қариялар истико-модтохи «Саховат уйи»га моддий ёрдам кўрстилиб, битта рангли телевизор соғва қилинди. Кам таъминланган оилалар, ноғиронларга озик-овқат маҳсулотлари етказиб берилди.

Утган давр мобайнида вилоятдаги болалар оромгоҳларида 433 нафар бола соғломлаштирилди. Ўсиб келаётган ёлвод саломатлигини мустаҳкамлашга 6 миллион 893 минг 987 сўм маблағ сарфланди. 496 нафар тармоқ касаба уюшма аъзолари мамлакатимиздаги турли сийҳатгоҳларда ўз саломатликларини тиклаб қайтишди. Кам таъминланган фуқароларга 17 та бепул йўланма берилди. Аъзолар саломатлиги муҳофазаси учун 38 миллион 34 минг 500 сўм касаба уюшма маблағи сарфланди.


Бир сўз билан айтганда, тармоқда изчиллик, фуқаролар манфаати йўлида қўйди-пиштилик бор. Бу амалий ишда, шартнома ва битимлар муҳим ўрин тутаяпти.

Алишер ТОЖИЕВ,
Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Сирдарё вилояти вакили



БАЙРАМ СОВФАСИ – РЕАБИЛИТАЦИЯ МАРКАЗИ

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, унинг жойлардаги тармоқлари ходимлари меҳнаткашлар соғлигини муҳофазаси қилиш, ижтимоий ҳимоялаш масалаларига алоҳида эътибор бериб келмоқда. Республиканинг энг йирик жамоат ташки-



лоти қошидаги Курортлар бошқармаси тизимида 20 га яқин санаторий мавжуд. Уларнинг деярли барчаси энг замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозланган. Айниқса, «Турон», «Ботаника», «Чирнобод», «Хонқа» санаторийларининг довуруғи, у ердаги муолажаларнинг намунали даражада эканлиги барчага маълум. Шунинг учун ҳам уларда дам олиб, даволашни истовчилар йил сайин кўпайиб бормоқда.

Яқинда Ўзбекистон касаба уюшмалари халқимизга байрам совғаси сифатида аjoyиб реабилитация марказини фойдаланишга топширдилар. Уткир инфарк касаллиги билан оғирган беморларни даволашга мўлжалланган мазкур масканга 40 миллион сўмликдан зиёд энг яхши тиббиёт асбоб-ускуналари келтирилган.

Суратларда: пойтахтимиздаги «Турон» санаторийсида қўни-кеча фойдаланишга топширилган реабилитация маркази ҳаётидан лавҳалар.
Иқром ҲАСАНОВ
олган суратлар

Мусобақа


ОММАВИЙЛИКДАН МАҲОРАТ САРИ

Хар гал доvon ошганда, орта қараб сархисоб қилмок инсонга хос одат. Зеро, сархисоб давомида ютук ва камчиликлардан тўғри хулоса чиқариш имконияти яратилади. Тахлиллар шунни кўрсатадики, яқунланаётган йилда юртимиз спортчилари нуфузли мусобақаларда Ватанимиз байроғини қарийб 200 марта сарбаланд этишга муваффақ бўлишди. Албатта, кўлга киритилаётган бу улкан ютуқларда касабаяушма спорт тарбияланувчиларининг ҳам салмоқли хиссаси бор.

Ўзбекистон касабаяушмалари Федерацияси жисмоний тарбия ва спорт жамияти Марказий бошқаруви раиси ўринбосари Баҳодир Тожиёв билан суҳбатимиз бугунги кунда жамият томонидан амалга оширилётган ишлар, келгусидаги вазифалар, ечимини кутаётган муаммо ва камчиликлар хусусида бўлди.

Маълумки, касабаяушмалари маҳоратли спортчилар тайёрлаш билан бирга оммавийлик, соғломлаштириш вазифаларини ҳам ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Хозирги кунда жамиятимиз тасарруфида фаолият кўрсатаётган 5 минг 942 та жисмоний тарбия ва спорт клуби ўзига 1 миллион 553 минг нафарга яқин аъзони бирлаштирган. Шунингдек, 110 дан ортиқ

лик бериш кўзда тутилган. Негаки, вилоятларимизда жуда катта спорт заҳиралари мавжуд. Масалан, кураш тушмайди, футбол ўйнамайдиган кишини топиш мушкул. Аммо, тан олиш кераки, бугунги кунда жойлардаги мавжуд шарт-шароитлар талаб даражасида деб бўлмайди. Тўғри, сўнгги йилларда, айниқса мамлакатимиз қишлоқ ахли ўртасида олиб борилган ишлар кўлами анча кен



лан амалга оширилган ишларни қандай баҳолайсиз?

— Аввало шунни айтмоқчиманки, болалар спортга эътибор бермасдан тўғри йирик муваффақиятларни кўлга киритиб бўлмайди. Ўтган қисқа вақт мобайнида ўн йилликларга татигулик ишлар амалга оширилди. Биргина мисол. Яқунланаётган йилда ўтказилган «Умид нўрлари» ва «Баркамол авлод» спорт ўйинлари тўғрисида қўйилган курилган иншоотлар келажак авлодларга ҳам хизмат қилишига шубҳа йўқ. Бугун болалар спортга берилаётган юксак эътибор эртага жаҳон майдонларидаги нуфузли мусобақаларда, Олимпиада ўйинларида кўлга киритиладиган медаллар шодаси бўлиб юртимизга қайтишига ишонаман.

— Янги йил эшик қомқода. Ҳадемай спорт мухлислари ортиқиб кутаётган Олимпиада ўйинлари бўлиб ўтади...

— Дарҳақиқат, спорт жамоатчилиги ортиқиб кутаётган Афина Олимпиадаси ҳам тобора яқинлашиб келяпти. Бир нарса ни алоҳида мамнуният ила таъкидламоқчиманки, ушбу нуфузли мусобақада Ватанимиз шарафини ҳимоя қиладиган олимпиадачиларнинг қирқ фоизи касабаяушма спортчиларидир. Хозирданок Дилшод Мансуров, Оксана Чусовитина, Любовь Перепелова, Екатерина Хилько, Гузал Хуббиева каби спортчиларимиз олимпиада йўлнамасига эга бўлишди. Уларнинг сони янада ошиши мумкин. Чунки йўлнамалар учун кураш давом этмокда. Давлат Жисмоний тарбия ва спорт ҳамда Миллий Олимпия қўмиталари билан ҳамкорликда вакилларимизнинг нуфузли спорт анжуманида кўнглидагидек иштирокини таъминлаш асосий вазифаларимиздан саналади.

— Келаятган йилда аёллар ўртасида спорт оммавийлигини ошириш мақсадида хотин-қизлар спартакиадасини ўтказиш режалаштирилган. Бу мусобақалар аввал корхона, туман, вилоят босқичларида ўтказилади. Фолблар эса республика босқичида қатнашадилар.

— Президентимизнинг «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида»ги Фармони эълон қилингандан бўён ҳам бир йилдан ошмак вақт ўтди. Мутахассис сифатида фармон шарафати билан

Суҳбатдош: Абдулхай ЮНУСОВ, «Ишонч» мухбири

Полвонлик кишининг қонида бўлади. Ор-номус учун кураш болалиқдан бошланади. Шу бонс бўлса керак, Сурхон боласининг эсини танган биринчи кунданок ўйларга келган ўйини ҳам қўшни болабай билан кураш тушиши бўлади. Шу-шу у курашга меҳр қўйиб, ўртоғини «болаб йиқитгани» кишлоқнинг жамики болаларига мактабни сузлаб юради. Еши улғайиб, буз йигит бўлгунча эса полвонликнинг барча сир-синаотини кунт билан ўрганади. Қиндик қони томган замин — Ватан шарафи, ори учун бел боғлаб майдонга чиқади.

...Бундан йигирма йил аввал бойсунлик Аҳмад ака Дўстов хонадонида ўғил бола дунёга келди. Оиладагилар болажонни суоб-суоб, Сухроб деб исм қўйдилар.

— Илк бор тўғруқонага бориб ўғлимни кўрганимда, «Насиб этса, ўғилчам зўр полвон бўлиб, элнинг олқишини олсин, ўзбекининг Алпомиши бўлсин» деб ният қилгандим. Ҳатто хамишара «Полвон ўғлингизни олинг!», дея қўлимга тутқазган эди. Қарағ, жуфтарак тилақларга фаришталар омин деган экан. Бугун ўғлим нафақат Сурхондара, балки Ўзбекистон ор-номуси учун катта кураш майдонига, — дейди фахр ила Сухробнинг отаси Аҳмад ака.

Ҳа, падали бузрукворнинг ниятлари ижобат бўлди. Сухробдаги курашга бўлган қизиқиш, меҳр ва интилишни кўрган Аҳмад ака ўғлини 8 ёшлиғидаёқ вилоят касабаяушмалари тасарруфидаги Болалар ва ўсмирлар спорт мактабига олиб борди. Уша кундан эътиборан уша таникли мураббий Рузи полвон Курбонов устозлик қила бошлади. Қийинчиликлардан қўчмайди, ўта меҳнаткаш Сухроб курашининг дэюдо, самбо, миллий кураш турлари сирларидан кунт билан сабоқ олди. Устознинг хар бир ўғитига амал қилди,

СУХРОБ ПОЛВОН



биронта ҳам машғулоти қолдирмади. Натияжада тинимсиз меҳнат бемасар кетмади. Аввал машғулотларда, тенгдошларидан устун келганида олқишланди, сўнгра бирин-кетин расмий мусобақаларда ҳам муваффақият қозона бошлади. У илк бора 15 ёшида, 1996 йили Жарқўрғонда Тохир полвон Дурдиев хотинрасига бағишлаб ўтказилган турнир

Чемпионлар ҳақида ҳикоялар

да ўз тенгқурлари орасида голиб деб топилди. Бу галаба унга канот бағишлади. Зур қатъият ва шиддат билан катта давраларга кириб борди. 2001 йилда Жиззахда ташкиллаштирилган «Баркамол авлод» спорт мусобақаларида самбо бўйи-

ча қатнашиб, шохсулага кўтарилди. Пахлавон Маҳмуд ва Ал Ҳаким ат-Термизий хотира турнирларида ҳам унга тенг келадиган рақиб топилмади. Сўнг икки мартаба китъа милқосидаги нуфузли мусобақаларда биринчи ўринни эгаллади. 17 марта вилоят, 9 марта республика мусобақаларида зафар кўчган Сухроб полвон падали ва устозлари ишончини оқлади.

— Сухроб жисмонан жуда чайир. Қўллари мисоли темир. У хар қандай рақибдан қўчмайди. Аксинча, давра айланганида унга назар солганлар гўёки рақибга шердек ташланшига тайёр турган шиддаткор полвонни кўрадилар, — дейди полвоннинг мураббийларидан бири Рузи Утаев. — Яна бир гап. Моҳир шоғирдимнинг оёғи рақибга оёғига илондай чирмашди, билингки, у Сухробнинг чилига тушди, мағлуб бўлди.

— Кўлга киритган ютуқларимда устозларим қатори отамнинг ҳам хиссаси катта, — дея суҳбатга қўшилади Сухроб полвон. — Чунки курашга бўлган меҳрини отам ўйғотган. Хар гал майдонга тушсам, рақибимнинг желганини ушласам, аввало пирлар-

да спорт йуриқчиси сифатида фаолият кўрсатаётган Михаил Алиев (82 килограмм ваэн тоифасида), 45-55 ёшлилар ўртасида), шахар «Сув-созрест» чилангари Георгий Писчов (82 килограмм ваэн тоифасида, 35-45 ёшлилар

О.КАМОЛОВ

Фахрийларимиз

ЭЪТИБОР ютуқларга чорлади

Яқинда пойтахтимиздаги МХСК спорт мажмуи кураш ва самбо бўйича фахрий ўртасида Ўзбекистон чемпионати баҳслари бўлиб ўтди. Мазкур мусобақада республика енгил, меҳлб саноят ва коммунал-маиший хизмат ходимлари касабаяушма Марказий қўмитасининг беш нафар вакили иштирок этди, уларнинг барчаси совриндорлар сафидан жой олишга муваффақ бўлди.

Мусобақада Қоракалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятлардан ташриф бурган юз нафарга яқин фахрий спорт усталари голиблик учун баҳс олиб бордилар. Улар орасида собиқ иттифок, Марказий Осиё ва Ўзбекистон миксидидаги турнирлар голиб ва совриндорларнинг мурасасиз ўтишини таъминлади.


— 62 килограмм ваэн тоифасида 45-55 ёшлилар ўртасида) иккинчи ўринни кўлга киритишди. Шунингдек, «Тошшаҳарйўлқурилиш-таъмир» корхонаси хайдовчиси, спорт усталигига номзод Тоғрик Гаджиев 74 килограмм ваэн тоифасининг 35-45 ёшли фахрий самбочилар орасида учинчи бўлди. Яна бир вакилимиз Юрий Маликов кўксини ҳам чемпионатнинг бронза медали беади. У 45-55 ёшлилар ўртасида ўз ваэн тоифаси бўйича учинчи ўринга лойиқ деб топилди.

Фахрий спортчилар кунга кеча тармоқ ходимлари касабаяушма Марказий қўмитасига тақдир этилдилар. Уларга Марказий қўмитанинг диплом ва қимматли эсдалик совғалари топширилди.

— Камтарин хизматимиз юксак баҳоланганидан бошим осмонга етди, — дея ўз изохорини билдириди «Тошгаз» корхонаси спорт йуриқчиси Юрий Маликов. — Зеро, бу биз, фахрий спортчиларга

сидаги баҳсларда қатнашди, — дейди тармоқ ходимлари касабаяушма Марказий қўмитаси ташкилий ишлар бўлими етакчи мутахассиси Зайниддин Урунбоев. — Ярим финалдаги баҳсда жа-роҳат олганим панд берди.

О.КАМОЛОВ



Яқунланаётган йилда юртимиз спортчилари нуфузли мусобақаларда Ватанимиз байроғини қарийб 200 марта сарбаланд этишга муваффақ бўлишди. Албатта, кўлга киритилаётган бу улкан ютуқларда касабаяушма спорт тарбияланувчиларининг ҳам салмоқли хиссаси бор.

Афина Олимпиадасида Ватанимиз шарафини ҳимоя қиладиган ҳамюртларимизнинг қирқ фоизи касабаяушма спортчиларидир. Хозирданок Дилшод Мансуров, Оксана Чусовитина, Любовь Перепелова, Екатерина Хилько, Гузал Хуббиева каби спортчиларимиз олимпиада йўлнамасига эга бўлишди.

СПОРТ — СОҒЛОМ АВЛОД ХИЗМАТИДА

Спорт — соғлом авлод хизматида

Тадбир УМРБОД МУҲРЛАНДИ

Машҳур спортчиларни яхши таниймиз. Хар кунги ёки кунора спорт юлдузлари ҳақидаги кўрсатувларни «ойна жохон» орқали томоша қиламиз, улар тўғрисида радио орқали эшитамиз, матбуот нашрларидан берилаётган мақолаларни ўқиймиз. Аммо, гапнинг очиги, таникли спортчилар билан юзма-юз туриб дилдан суҳбатлашиш, жонли мулоқотнинг гашти ўзгача бўларкан.

Пойтахтимизнинг Юнусобод тумани «Дўстлик» маҳалласидаги 122-мактабда бўлиб ўтган мамлакатимиз спорт юлдузларининг маҳалла спортсеварлари билан учрашуви қатнашчиларини халқидан айни шу фикрлар ўтган бўлса, ажабмас. Зеро, тадбир баҳс-мунозараларга ниҳоятда бой бўлди. Айтганча, учрашувга машҳур футболчи Ўтаган Исоқов, таникли боксчи Николай Антимов, жаҳон чемпиони Карим Шарипов, тахрибли мураббийлар — Леонид Ким, Георгий Захаров, Нурлан Жақиликов, олий лига ҳақами Раҳматилла Қоратов ҳамда Хусниддин Мирзаев ва Шамил Яфаров сингари мутасаддиган тақдир этилди. Шунингдек, маҳоратли ёш спортчилар — республика, китъа ҳамда жаҳон миксидидаги турнирларнинг голиб ва совриндорлари — Дилшод Мансуров, Алишер Мамбеков, Рустам Умаровлар ҳам фахрийлар ёнидан жой олишди.

— 2003 йил мен учун жуда омадли келди. Турон яққураш бўйича мамлакат чемпионатида голиб бўлдим, бир нечта халқро турнирларда совринли ўринларни эгалладим, — дейди ёш спортчи Рустам Умаров. — Меҳр ва мурув ўйида мураббийим Ақром ака Шердонаев билан биргаликда янги чўқиларни забт этишни кўзлаб туришимиз. Тадбир ҳақида гапирадиган бўлсам, у тобора оммалашиб бораётган Турон яққурашини янада ривожлантиришда, ёшлар ўртасида спорт туримиз ихлосмандлари сонини оширишда муҳим рол ўйнади, деб ўйлайман.

Тадбирни ўтказишдан кўзда тутилган асосий мақсад, саломатликка эришиш, жамиятда соғлом турмуш тарзини шакллантиришнинг энг осон, энг арзон йўли — жисмоний тарбия ва спортни тарғиб қилишдан иборат эди. Мамнуният билан таъкидлаш жоизки, бу эзгу мақсадга тўла маънода эришилди. Бунга тадбир қатнашчиларининг дил сузларидан ҳам билди мумкин.

Ўғилли Курбонова, маҳалла хотин-қизлар қўмитаси раисаси:

— Учрашувни ташкил этиш ва кўнглидагидек ўтказиш учун бутун маҳалла ахли, фаоллари сая-ҳаракат кўрсатишди. Уйлайманки, тадбир барча-барчанинг, айниқса, ёшларимизнинг қалбига умрбод муҳрланди қолади.

Гули Алиева, уй бекаси:

— Фарзандларимизнинг хар томонлама соғлом, баркамол бўлиб воғя этишларида спорт беқёёс аҳамиятга эга. Тадбир давомидида бунга яна бир бора аниқладим.

Элёр Мусаев, 122-мактаб ўқувчиси:

— Таассуротларим бир олам. Айниқса, тенгқурларим — ёш спортчиларнинг кўргазмали чиқилари менда катта қизиқиш уйғотди. Шу билан бирга, Ватанимиз спорт юлдузларининг фикр-мулоҳазалари унутилмас таассурот қолдириди.

Камол ОЛЛОЕВ, «Ишонч» мухбири

Хозирги кунда Ўзбекистон касабаяушмалари Федерацияси жамияти тасарруфида фаолият кўрсатаётган 5 минг 942 та жисмоний тарбия ва спорт клуби ўзига 1 миллион 553 минг нафарга яқин аъзони бирлаштирган. 110 дан ортиқ спорт-соғломлаштириш клублари, тўғрақлар иш олиб бормоқда. Уларда 710 минг 566 киши спорт билан мунтазам шуғулланиб, ўз саломатликларини тиклашяпти.

Жамият қошида 120 дан ортиқ БУСМ, 5 та республика миксидидаги спорт мактаби фаолият кўрсатиб келмокда. Бу мактабларда спортнинг 34 тури бўйича малакали мураббийлар ёшларга сабоқ беришяпти.



КИМ КУЧЛИ?

Армрестлинг ўтган аорнинг 70-йиллари бошида Америкада пайдо бўлган. Бу спорт турининг бошталардан афзал жиҳати шуки, у билан болалар ҳам, аёллар ҳам, ҳатто кексалар ҳам шуғулланиши мумкин. Шунингдек, армрестлинг бўйича мусобақалар ташкил этиш учун мақсус шарт-шароит талаб этилмайди.

Кейинги йилларда мамлакатимизда армрестлинг бўйича кўплаб маҳоратли ёшлар, спорт усталаримиз этишиб қимқомда. Хозирги кунда 80 нафардан ортиқ спорт устаси, 7 нафар халқаро тоифадаги спорт

устаси талабини бажарган моҳир армрестлингчиларимиз жаҳон кураш майдонларида Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишяпти. Бу, ўз навбатида,

Икром ҲАСАНОВ олган суратлар

Армрестлинг

ушбу спорт турига бўлган қизиқиши кучайтириб, унинг кенг оммалашувиға сабаб бўлмокда.

Яқинда Наманган туман халқ таълими бўлими ҳамда тармоқ ходимлари касабаяушма қўмитаси ташаббуси билан армрестлинг бўйича мусобақа уюштирилди. Унда мактаб директорлари беллашдилар.

Кизиқarli ўтган мусобақа сўнгида голиб ва совриндорлар аниқланди. Эркақлар ўртасида 24-мактаб директори Бекмирза Йўлдошев, аёллар ўртасида 26-мактаб директори Муборак Холматов энг кучли деб топилди. Фолбларга эсдалик совғалари топширилди.

Икром ҲАСАНОВ олган суратлар

Йиллар ва одамлар

ЭРУР У ТОРГА ЧИН ОШНО

Танамда токи жоним бор, Унутмасман сени ҳаргиз. Ҳаёлингга келтирмагил(э), Демасман ўзгани ҳаргиз.

Нодирабегим газали билан айтилган бу кўшиқ ўзгача бир навозиш билан ўтган асрнинг 1963 йил 20 май кўни Ўзбекистон ойнаи жаҳони орқали биринчи бор янграган эди. Бу кўшиқ билан ўз халқини ўзига ром этиб, шинавандалар назарига тушишини, истараси ис- ник, қорамангиздан келган, бўйларни барваста, ёшиқ завқни жўш уриб турган бу йигитнинг келажакда эл-юртнинг севимли ҳофизини бўлиб танилишини ким ўйлаб-ди, дейсиз.

Мана, орадан йиллар ўтиб, ўсиб улғайиб камолга етиб, ўз вақтида санъаткорлар ва шинавандалар ўртасида «Ўзбекистон бўлули» номини олган, кўшиқчилик ижрочилигимизда ҳақиқатан олдинги сафларидо доимо ўзининг сермаъно кўшиқлари ила барча ёшу қарига том маънода ибрат бўлиб келатган, ҳозирда ҳам баракали ижод этаётган созанда ва бастакор Камолиддин Раҳимовнинг катта саҳна сари қадам ташлаб ижоди бошланганига ролла-роса 40 йил, таваллуд топанга эса 60 йил тўлибди.



Табиати оҳанглар тасвирида тасаввур қилиш мумкинлигига икорор бўларкан, Камолиддин чексиз ҳайратланарди.

Отаси Қюмжон қори но-зик таъб эгаси, серзавқ, унча-мунча хиргойи қилади-ган одам бўлганидан Наман-ган шаҳридаги «Заркент» ма-халласидаги хонадонга Шу-рат қозонган Комилжон Ота-ниёзов, Собир Раҳмоний, Маъмуржон Қасимов, Муҳам-маджон Дўстмухаммедов, Маъруфқўжа Баходиров, ака-ку Бобоҳон ва Ақмалхон Суфихоновлар, Шоқосим Шожалилов каби мумтоз овоз соҳиблари тез-тез келишиб, соз чалишар, кўшиқ куйлашар, ширин суҳбат қуришарди. Бундай суҳбат-лардан баҳраманд бўлган ёш Камолиддин улгарга эргашиб, илк марта кўшиқлар машқ қилди, мақсадини тўғри ан-глади. Ўз санъати билан ха-лқни ижодий ишга, ярату-чилик меҳнатига ил-ҳомлантириши, кўшиқнинг нақадар инсон руҳи ва вужуди учун тарбиявий-маъна-вий аҳамиятга эга эканлигини фахрларкан, ўзини истиқ-болдаги маъсулиятли ва жиддий фаолиятга тайёрлаб бошлади.

Хали ўрта мактабда ўқир экан, бирон-бир маданий тадбир бу ўсимир иштироки-сиз ўтмасди. Муסיқа хавас-корлари тўғраги раҳбарии Жўра Машшўқ, Т.Бойхонва-дан дутор чертқиш сирлари-ни, Умаралиқори Мухидди-нов, Насриддин Маҳидов, Тожиали Олимов, Ваҳобжон Абдуллаев, Фуломжон Хожи-қулловлардан кўшиқ айтиш, куй чалиш йўллари ни пухта ўзлаштирган Камолиддин 18-20 ёшда кўлига соз олиб, ўз қалбининг жўшқин тўйгуларини тараннум этиш-га киришди. У Юнус Ража-бий, Жўраҳон Султонов, Ор-тиққўжа Имомқўжаев, Ориф Алимаҳсумов, Расулқори Ма-мадалиев, Орифхон Хотам-ов, Фахриддин Умаров, Умаржон Отаев каби атоқли хонадаларнинг ашула айти-ш йўллари ни ижодий ўзлаштириб, ўзининг тубдан, том маънода бошқаларга ўқшамас, мустиқил ижро усу-лини яратишга уринди.

Авал айтганимиздек, 1963 йил 20 май кўни унинг биринчи марта Ўзбекистон телевидениеси орқали кўшиқ куйлаганини кўпчилик мух-лислар ҳамон хотирлайди-лар. Орадан кўп ўтмасдан Алишер Навоий номидаги Наманган вилоят мустиқали драма ва комедия театрига хонанда сифатида ишга так-лиф қилинган ёш ҳофиз шун-ерда ижрочилик маҳоратини чарқлади, тез орада дираб-бо кўшиқлари билан қалб-ларни сеҳрлайдиган бўлди. У ўзи учун олтин оstonади бўлиб қолган мазкур санъат даргоҳида ишлар экан маъ-навий мулкимизга айланган

«Бахт» (Камтар шёъри), «Бор-микан» (Муқимий газали), «Зое» (Эркин Воҳидов газали), «Кўрсат жамолинг» (Маш-раб газали), «Билмадим» (Маҳдумқули газали), «Фирок айлаб» (Собир Абдулла газали), «Оҳиста жон дединг», «Тортар дилимини оҳанрабо-нинг» (Туроб Тула шёъри) ва бошқа кўшиқлари ижро этди. Бундан ташқари, у актёр си-фатида ушбу театрда қатор эсда қоларли сиймолар ҳам яратди: «Лайли ва Махжун» спектаклида Домла, «Тоҳир ва Зўҳро»да Хофиз, «Анвар ила Раънода»да Қобил, «Олимпиа-да Ақвалжўжа», «Қароқчилар»-да Грим, «Сеҳрли узук»да Камбағал ва бошқалар фикри-миз далилидир.

Камолиддин Раҳимовнинг бастакорлик соҳасидаги фао-лияти ҳам эътиборга лойиқ. Катта санъат оламига, асосан, халқ кўшиқлари йўлидаги ашу-лаларнинг ижроси сифати-да кириб келган ҳофиз бора-бора мумтоз ашулчилик анъ-аналари билан янгича, замо-навий услубларни бир-бири-га уйғунлаштириш устида жиддий ишлади. Мумтоз ус-лубнинг гоҳ оғир ва уйноқи, гоҳ маънос ва вақимин йўли-ни у кўтаринки рўҳдаги шуур ва хафиф тарона йўллари билан бойитишга интилиб, кўининг аниқ бўлишига, уни тасвир-ча ва оммабол қилишга уринди. Шу тариқа «Меҳрибон Ватан» (Нуриддин Аминжонов шёъри), «Келдим сени сўроқ-лаб» (Ойбек шёъри), «Тун ила тонг» (Ғафур Фулом шёъри), «Кўчмадан жонон ўтганда» (Ҳабиб Саъдулла шёъри), «Ку-тарман зор», «Тошкент мард-лар дёрибдири» (Азимий шёъ-ри), «Кутаман» (Олимжон Хол-дор шёъри), «Ўзбекистоним сенга» (Абдулла Орипов шёъ-ри), «Наргиз» (Комил Хораз-мий газали), «Онажонинг рози қил» (М.Исомиддинов шёъри) сингари қатор замонавий кўшиқларга ўз юздан зийдрок куй яратди. У ўзининг ақсар кўшиқларида башариятнинг бир-бирига бўлган самимий, дўстона, чин инсоний муно-сабатларини, ота-онани, эл-юртни угулаш хислатларини кадрлаш, одамларни бир-би-рига аҳил-иноқ, соф мухаб-бат, садокат, меҳр-оқибат, ро-стгўйлик, ахлоқ-одоб, адолат-диёнат каби азалий юксак иж-тимоий-тарбиявий, маънавий-маърифий аҳамиятга молик фазилятларда яшашга даъват этди ва ўзи ҳам шуларга амал қилиб яшайди.

Созандаги Камолиддин Раҳимовнинг кўп қиррали санъатида ажралмас жабха хисобланади. У, айниқса, тор-ни жуда севади. Мазкур соз-нинг мураккаб услубини пухта ўзлаштирган созанда дутор ва танбури ҳам бирдай «тилга киритади». Шoir Хaбиб Саъдулла унга атаб ёзган ўз кўшиқларидан бириди: «Эрур-ман торга чин ошно» деб бе-жиз қуйламайдим. Оҳангнинг ҳар бир тўқин ва маромига мос чертишлар, ҳаракат ҳамда

ишоралар куй мазмунини яна-да бўрттириброк, теранроқ қилиб тингловчига тақдим этишга ёрдам беради. Унинг бетакор нолали қочиримлар билан соз чертиши муболага-сиз бу жабҳада ҳам юксак иж-рочилигидан далолатдир.

«Кўшиқ – қалб мулки, – дейди хонанда, – агар таъбир жоиз бўлса, у ҳаётнинг қалб-доғ акс-содоси. Кўшиқ ҳар бир кишининг қонида бор. Халқимиз бугунги бахтли тур-ди»

шoirларимиз шёърлари ҳам ўрин олган.

Адабиётни, айниқса, шёъриятни теран тушунган ҳофиз ёш ижодкорларнинг ҳам сара, маъноли шёър-ларга эътибор билан ёнди-шиб, матн таллаб, дардчил, маъноли кўшиқлар айтиб, ўз ижро йўллари ни топиб олишлари га йўл-йўриқлар қўрсатади. Кўпрок улкан адабиётимиз, мақомлари-миз ва халқ ижодиётига му-рожаат этиб, ўрганишликни, изланишликни ва ундан баҳра олган ҳолда ижод этишликни маслаҳат бера-ди.

Дарҳақиқат, илдиэлари теран адабиётимиз, муסיқа санъатимиз ва халқ ижоди-ётимиз ҳамшиша барча ав-лодлар учун ўлмас ижодий илҳом сарчашмаси, манбаи бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади.

Ўзбекистон халқ артисти Ориф Алимаҳсумов ва халқ ҳофизии Фахриддин Умаров-лар қинда Камолиддин Ра-ҳимовнинг таваллуди ва ижоди-га бағишлаб ўтказил-ган катта тантанада у ҳақда ўзларининг самимий дил сўзларини мана шундай ифода этишди: «Камолид-дин чинданам Аллоҳ то эт-ган наволи овозиго, ўзгача соз чертиши ила нафақат Ўзбекистон аҳлига, балки кўлаб узоқ-яқин хорижий эллардаги ўзбек кўшиғи мухлисларига ҳам машҳур-дир. У чинакам миллий ўзбек кўшиқчилик санъати-да ўзига хос мактаб яра-тиб, ҳозирда ҳам ижоди-нинг юксак чўққисидо бетакор кўшиқлари билан ёшу қарига мос, ёқимли иж-роси, гўзал ҳулқи, камта-ринглиги, инсоний фазилят-лари билан халқимизга, юр-тимизга тинмай хизмат қилиб келаяпти.»

Ҳа, ҳозирги кўнда халқи-миз ардоғидаги машҳур хо-нандагар Ўзбекистон халқ артисти Ҳайрулла Лутфуллаев, халқ ҳофизии Маҳдумқули Тожибоев, хизмат кўрсатган артистлар Эркин Рузиматов, Машрабжон Эр-матов, Бахтиёр Тулаганов, Маҳмуржон Азимов, Ғиёс Бойтоев, Мухриддин Холи-қов, Рустамжон Турсунов, Ҳамиджон Маллабоев, Бо-қижон Сатторов, Маъруф-хон Орипов, Салоҳиддин Мухиддинов ва кўлаб бош-қа кўшиқчилар ҳам Ўзбеки-стон халқ артисти, юксак «Эл-юрт хурмати» унво-ни нишондори, ҳасос санъат соҳибии Камолиддин Раҳи-мовнинг ижодидан баҳра олиб, илҳом анъаналарини эътифдор этиб, уни ўзлари-га устоз деб билалдири-шунингдек, қардош тожик халқининг машҳур хонанда-лари Жўрабек Муродов, Жўрабек Набиевлар ҳам Ка-молиддин ака яратган кўшиқларни севаб ижро эт-ганлар.

Қирқ йилдан буён ўзбек кўшиқчилик санъа-ти равнақи йўлида элу юртга хизмат қилиб ке-лаётган Камолиддин Ра-ҳимов ҳозир айни ижодий куч-қувватга тўлган пал-лада. Бу чексиз изланиш-лар, бетиним ижодий меҳнат йўлидир. Биноба-рин, мана шу машаққат-ли, кўз илғамас йўл кўшиқчилик санъатимиз-ни кўпдан-кўп ёрқин ҳамда бетакор янги-янги кўшиқлари билан бойити-шига ишончимиз комил.

«Ишонч» жамоаси ҳам кўпчилик газетхонлар қаторида беназир ижод-кор Камолиддин Раҳи-мовни табриқлаб, қўлуг 60 ёшлик таваллудлари билан барча мухлислар номидан эзгу истаклари-мизни билдирганим.

У мумтоз ёки замондош шoirларимиз ижоди-га му-рожаат қилар экан, ўта нозик дид билан матнга мос оханг топиб, уни ижрода уйғунлаш-тиради. Шунингдек, у ҳар бир кўшиғига бир-бирига ўқшаман-ган усул топади. Унинг кўшиқ-лари ҳақиқатан ҳам миллий оҳанглр билан йўғрилгандир.

Камолиддин Раҳимов кўшиқлари мажмуасида Навоий, Лутфий, Саққокий, Аҳмад Ясавий, Машраб, Амирий, Маҳдумқули, Муқимий, Фу-рат, Оғаҳий, Завқий ва бошқа аллома шoirларимиз газал-лари билан бирга замондош ижодкорлар Ҳабибий, Чустий, Чархий, Собир Абдулла, Ғай-ратий, Уйғун, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Тура Сулай-мон, Ҳабиб Саъдулла, Шўхий, Азимий, Ғаффорий, Олимжон Холдор, Охунжон Ҳақимов, Эътибор Охунова ва бошқа

Миробид ЖАЛОЛ, педагогика фанлари номзоди, санъатшунос Суратде: Камолиддин Раҳимов шогирди Миробид Иноятов билан

Саломатлик - туман бойлик

Илҳомжон кўчада шар кўтариб чоп-қиллаб юрган, қикрилаб қулаётган қичкинтойларни кўра фарзандаг ети-шолмай юрганидан юраги зирқираб кетарди. Аммо Умидаҳонни аяб, унга билдирмасди. Умидаҳон ҳам аравача тортиб келаятган оналарни кўрса оғир сўлиш оларди... Мана энди фарзанд-ли бўлди.

Илҳомжон Умидаҳоннинг кўз ёрғани эшитаркан қувончидан туғруқ-хонага учиб борди. Бунинг устига ўғил кўрганидан оламга сигмасди. Бола соғлом, дуркун тугилди. Махалладош-лари дуога қўл очиб, оилани қут-лашди.

Умидаҳон билан Илҳомжон янги оилалардан. Умидаҳон шахардаги заиф эшитувчи қувонч маҳсус мактаб-интернатда тарбиячи бўлиб ишлайди. Болаларга меҳри товланиб турганидан, касбига фидойилигидан Оллоҳнинг мурувватини топди. Иш-хонаси ҳам меҳр-оқибатини ямади.

Оилада янги меҳмон Аббосбек, деб исм қўйишди. Аббосбек Ил-ҳомжон ўғли Иминжон! Ўзбекча атама - қандай яхши. Болага удумла-римиз бўйича қулоғига азон айтилиб, ўз оиласи, ўз юртининг беги бўлсин,

алоҳида ёндошиляпти. Жарроҳлик йўли билан аёлларга тиббий ёрдам кўрсатил-моқда.

ЎЗ ЮРТИНИНГ БЕГИ

лар амалга ошириляпти. Ҳар душанба туманда «Саломатлик кўни» деб эълон қилинган. Ҳоким Қобилжон Қирғизбоев бошлиқ хайъат сиҳатгоҳларни айланиб касалхоналарнинг иситилиши, дори-дар-мон таъминоти, тиббий хизмат сифати билан танишадилар. Мақсад соғлиқни сақлаш давлат дастури ижросини таъ-минлашга қаратилган.

Айни кўнларда 13 та қишлоқ врачлик пунктлари аҳолига тиббий хизмат кўрсат-моқда. Туманининг иккита қишлоғида ҳар бири 60 ўринли ҚВП ишга тушиш ара-фасида турибди.

Жорий йилда 20462 нафар туғиш ёшидаги аёллар тўлиқ тиббий кўриқдан ўтказилган. Касаллиги аниқланган бе-морлар шифохоналарда ётқизиляб, со-ғломлаштирилди. Исталмаган ҳомил-дорликни олдини олиш, янги туғилган чақалоқларнинг ўсишини таъминлаш, оналарнинг соғлиғини мустаҳкамлашга

Яна бир гап. Туманда Жаҳон соғлиқ-ни сақлаш ташкилотлари билан ҳам са-марали ҳамкорлик қилинмоқда. Яқинда АҚШ соғлиқни сақлаш ташкилоти, «Ка-унтерпарт концерциум» қўмағида 4,5 миллион АҚШ доллар сарфланиб, бо-лалар поликлиникаси замонавий тибби-ёт ускуналари билан қайта жиҳозланди. Натихада ташхис қўйиш ва даволаш иш-лари самарадорлиғи ошди. 10 нафар ҳамшира Исроилда бўлиб, болалар тиб-биёт тажрибалари билан танишиб қай-тди. Оналардаги камқонлик касалини ка-майтириш мақсадида туғиш ёшидаги аёлларга АҚШдан келтирилган темир моддаси билан бойитилган таблеткалар тарқатилди.

Натихада болалар ўлими жорий йил-да бултурғига нисбатан анчага камай-ди.

Собиржон РЎЗИМатов, «Ишонч» муҳбири



Наманган туманидаги «Тошбулоқтола» ҳиссодорлик жамиятида 369 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қиларди. Жамоа томонидан жорий йилда 13 тонна пахта хомашёси қайта ишланди. Фойда ҳам шунга яраша бўлди. Унинг асосий қисми ходимларнинг моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга сарф-ланди. Бундан ташқари, ишчилар уч маҳал бепул нонушта ва ёрдамчи хўжалик маҳсулотлари билан таъминланмоқда.

Суратде: корхона фао-лиятиндан лавҳалар. И.ХАСАНОВ олган суратлар



Савоб ишни ҳар ким, ҳар кўни қилиши керак

Сурхон воҳасида саҳо-ватли инсонлар қўллаб-то-пилади. Масалан, қумқўр-ғонлик тадбиркор Зумрад Ҳайитова, сариосиёблиқ Аб-дуғаффор Аҳмедов, денов-лик Аҳмад Нарзуллаев, қизирқилиқ фармер Икром Нурбўтаев каби кўли очик инсонлар ҳам таъминлан-ган оилаларга, мактаб ва болалар боғчаларига, яқна-ёғлигиз кишиларга меҳр-му-рувват улашиб, эл олқиши-га сазовор бўлишмоқда.

САХОВАТПЕША ИНСОН

Ана шундай олижаноб ва савобли ишга қўл урганлар-дан яна бири - Термиз шаҳ-ридаги «Динамо» хусусий дўкони директори Комил-жон Ҳасановдир. У киши Янги йил арафасида туман-лардаги мактаб ўқувчилари, болалар боғчаси тарбияла-нувчиларига соғса-салом-лар улашди. Хусусан, Тер-миз шаҳридаги 6-, 11-, 15-, Бойсун туманидаги 6-, Сариосиёдаги 63-, Жарқур-ғондаги 56-, Музроботдаги 12-, Ангрендаги 37- умум-таълим мактабларига, Жар-қурғон туманидаги 24-сон-ли мактабга таълим му-ассасаларига 2 миллион сўмлик болалар спорт кий-имлари, футбол, волей-бол, баскетбол тўплари, теннис столлари ва ракет-калари ҳада этди.

- Комил Ҳасановдай кўли очик, тадбиркор, йигитла-римизнинг баркамол авлод тарбияси йўлида жонбозли-ги халқ орасида катта та-ассурот қолдирмоқда, - дейди Сариосиё тумани халқ таълими бўлими муди-ри Аҳмад Бобоев.

- У Янги йилда бу эзгу амалларни бундан ҳам ке-найитириш нияти бор. Чунки тадбиркор яхшилик ўз ме-васини бермай қўймаслиғи-га чин дилдан ишонади.

Р. АҲМЕДОВ

НОГИРОН БОЛАЛАР КЎВОНЧИ

Президент арчаси тadbирлари Жиззах вилоятида ҳам кенг қамровда амалга оширилмоқда. Қасаба уюш-малари вилоят кенгаши ҳар йилги анъанави кўра бу йил ҳам вилоятдаги бир қатор кам таъминланган, боқувчи-сини йўқотган оила фар-зандларини ижтимоий ҳимоялаш мақсадида меҳр-мурувват тadbирларини ўтказди. Шундай тadbир-лардан бири Зарбдор туман-идаги «Янги бўстон» ша-ҳарчасида жойлашган заиф эшитувчи болалар мактаб-интернатида бўлиб ўтди.

100 нафар болага сова-лар улашилди. Муассаса моддий техника база-сини яхшилаш мақсадида интернетга 350 минг сўм маблаг топширилди. Бун-дан ташқари, жорий йил-нинг ёзда мазкур жамоа-дан 30 нафар болалар оромгоҳларда бепул хор-диқ чиқаришди.

Шунингдек, Пахтакор шаҳридаги 31-максус ин-тернат-мактабига 300 минг сўмлик мурувват ёрдами кўрсатилди.

Умуман, қасаба уюшма-лари томонидан Янги йил арафасида 800 минг сўмлик мурувват ёрдами кўрсатилди. Тармоқ қаса-ба уюшма қўмиталарида эса бу рақам 2,8 миллион сўмни ташқил этади.

А.АЗИМОВ, «Ишонч» муҳбири

ФЕРМЕРЛАРГА ҚИММАТБАҲО СОВФАЛАР

Ўрта Чирчиқ туманидаги Охунбобоев но-ми ширкат хўжалиги маданият саройида йил якунлари ва Янги 2004 йилни кўтиб олиш му-носабати билан туман деҳқон-фермер хўжа-ликлари вакилларини иштирокидаги «Эъоз» деб номланган байрам тadbири бўлиб ўтди. Ту-ман ҳокими М.Тиллабоев йилгиланларни бай-рам билан қўллаб, 2003 йил якуни бўйича ил-ғор фермерларга қимматбаҳо совғаларни то-пширди. Байрам тadbирини иштирок этган бар-ча меҳмонлар пойтахтимиздан ташариф буюр-ган таниқли хонадалар, созандалар ва рақ-қосалар ижросидаги кўшиқ ва рақсларни ми-риқиб томоша қилишди. Айниқса, Анвар Га-ниев, Рустам Маҳмудовларнинг чиқширари йилгиланларга завқ-шавқ бағишлади.

Комилжон РАЗЗОҚОВ, Ўрта Чирчиқ туман фермерлар уюшмаси раиси

«LG ГРАНТИ» ТАНЛОВИ ЯКУНЛАНДИ

Электроника ва комму-никациялар соҳасида жаҳонда етакчи ўринлардан бирида тур-увчи LG Electronics (Корея Республикаси) компанияси жорий йилдан юртимизда иж-тимоий фаолиятни йўлга қўйишга киришди. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиғи ҳамда «Камолот» ёшлар иж-тимоий ҳаракати билан ҳам-корликда эълон қилинган «LG гранти» танлови ана шу йўна-лишдаги тadbирлардандир. Мустиқил илмий изланиш олиб бориш имкониятини из-лаётган ижодкор ёшларни қўллаб-қувватлаш мазкур иж-тимоий дастурунинг асосий мақсади ҳисобланади. «LG гранти» таълими дасту-ри Тошкент шаҳрида жой-лашган ўрта етакчи универ-ситет ва институт талабала-ри ўртасида ўтказилди. Тан-

«БАЛИҚЧИ-ТЕКС» ИШГА ТУШДИ

Ўзбекистон Миллий универ-ситети/ Хилола Абдужаббо-рова /Тошкент давлат педа-гогика университети/, Али-шер Зокиров /Тошкент темир йўл муҳандислари институти/, Темур Эгамназаров /Тош-кент давлат техника универ-ситети/, Зийуар Реймовлар /Ўзбекистон давлат кон-серваторияси/ танлов ғолиби бўлди. Уларнинг ҳар бири LG Electronics компаниясидан 500 000 сўм пул муқофотини олади. Ушбу маблаг талаба-ларнинг таълим контрактини тўлаш учун ўқув юртлари ҳисоб рақамига ўтказилади.

Уларнинг ҳар бири LG Electronics компаниясидан 500 000 сўм пул муқофотини олади. Ушбу маблаг талаба-ларнинг таълим контрактини тўлаш учун ўқув юртлари ҳисоб рақамига ўтказилади.

Уларнинг ҳар бири LG Electronics компаниясидан 500 000 сўм пул муқофотини олади. Ушбу маблаг талаба-ларнинг таълим контрактини тўлаш учун ўқув юртлари ҳисоб рақамига ўтказилади.

ЕНГИЛ, МЕБЕЛ САНОАТИ ВА КОММУНАЛ МАЙШИЙ ХИЗМАТ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМА МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ

*2004 йил она
Ўзбекистонимиз
учун тинчлик
хотиржамлик,
бахт-саодат, улкан
муваффақиятлар
йили бўлсин!*



**ЁҚИЛҒИ-ЭНЕРГЕТИКА, ГЕОЛОГИЯ ВА
КИМЁ САНОАТИ ХОДИМЛАРИ КАСАБА
УЮШМА МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ**

*Барча юртдошларимизни,
тармоқ ишчи-ходимларини Янги
йил билан чин қалбдан
табриклайди, муборакбод этади!*

*Эзгу ниятларингиз
ҳамиша руёбга чиқсин!*

АГРОСАНОАТ МАЖМУИ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР ҚЎМИТАСИ

*Катта умидлар билан кутиб
олинаётган Янги 2004 йил
ҳар бир оиллага олам-олам
қувонғ, хурсандчилик,
қут-барока олиб келсин!*

ПРОСПЕКТ ЭМИССИИ ПЕРВОГО ВЫПУСКА ПРОЦЕНТНЫХ ОБЛИГАЦИЙ ОТКРЫТОГО АКЦИОНЕРНОГО ОБЩЕСТВА «УЗХИМФАРМ» С.К.ИСЛАМБЕКОВ

I. Основные сведения об эмитента

1. Полное наименование эмитента, номер и дата государственной регистрации эмитента: ОАО «УЗХИМФАРМ» им С.К. ИСЛАМБЕКОВА, зарегистрировано в хокимияте Миробадского района г.Ташкента от 27 октября 1995 г № 518/9

2. Юридический адрес: 7000060 г.Ташкент, ул.Т.Шевченко, 23, р/с в ГАКБ банка Асака 20208000700122800001, код банка 00873

II. Условия предстоящего выпуска облигаций в

обращения, выплаты доходов и погашения

3. Условия предстоящего выпуска облигаций в обращение:
а) серия и форма облигаций выпуска — облигация безналичная, процентная, именная;
б) количество облигаций выпуска — 11 (одиннадцать) штук
в) номинальная стоимость одной облигации выпуска — 5,0 (миллионов) сум
г) общий объем выпуска (по номинальной стоимости) 55000000,00 (пятьдесят пять миллионов) сум
д) права предоставляемые

каждой облигацией выпуска; владелец облигации имеет право на получение дохода по облигациям из расчета 28% годовых по окончании каждого квартала в течении периода обращения, безусловный возврат номинальной суммы облигаций при их погашении и продажу облигаций в любой момент времени, а также преимущественное право на распределяемые активы эмитента в объеме неисполненной части обязательств по облигациям в случае ликвидации эмитента;
е) порядок и сроки обращения облигаций дата начала раз-

мещения выпуска облигаций — пятнадцатый день от даты государственной регистрации выпуска в Центре по координации и контролю за функционированием рынка ценных бумаг; срок обращения выпуска облигаций — 720 (семьсот двадцать) дней от даты начала размещения облигаций;

ж) вид обеспечения; мущественный
з) срок и порядок размещения облигаций - в течение 360 (трехсот шестидесяти) дней с момента государственной регистрации в Центре по координации и контролю за функциони-

рованием рынка ценных бумаг;
к) орган эмитента, принявший решение о размещении облигаций выпуска и дата принятия; решение принято на общем собрании Наблюдательного Совета ОАО «УЗХИМФАРМ» протокол от 15 декабря 2003 года;

л) порядок определения дохода, выплачиваемого по каждой облигации, — в период обращения облигаций по ним начисляется доход по окончании каждого квартала исходя из расчета 28% годовых пропорционально времени обращения облигаций в течение квартала; м) порядок и срок выплаты дохода по об-

лигациям, включая порядок и срок выплаты дохода по каждому купону, — выплата процентов по облигациям осуществляется ежеквартально, до пятнадцатого числа месяца, следующего после окончания квартала, за который начислен доход;

н) основное место продажи облигаций — распространение облигаций ОАО «УЗХИМФАРМ» С.К.ИСЛАМБЕКОВА осуществляет самостоятельно по адресу:

г.Ташкент,
ул. Т.Шевченко, 23
Телефон:
56-60-59; 56-73-78;

ТИЛАК

Инсонга кўп нарса керакмас асли, Ортиб қолур хатто бармоқлар буксак. Қолсин шу ҳолича йилнинг тўрт фасли, Тинчлик-хотиржамлик энг эзгу тилак.

Сабру қаноатдан айирмасин ҳеч, Камтарлик бош узра соябон юксак. Бахт шаксиз келажақ эртами ё кеч, Унга биз ўзимиз муносиб бўлсак.

Кун борки, ҳафталар, ойлар бетиним, Лаҳзалик умрда аср муштарак. Юргизиб юбормас ҳеч кимни ҳеч ким Соат милларидек бир зум тўхтабас.

Ўткнчи дунёнинг боқийлиги шу, Қадрига етайлик фурсатнинг, демак, Ҳаёт ўтаверар, ҳаётдир мангу, Бурчлимиз унга биз бўлишга безак.

Зайниддин РИХСИЕВ

БИЛИБ ҚЎЙГАН ЯХШИ

Янги йил байрами халқимиз томонидан шарқона «Наврўз» айёми билан тенг эъзозлаб нишонланади. Иккала байрам ҳам кишиларимиз юрагида ўзаро уйғунлик ҳосил қилган. Энг асосийси, Янги йилни нишонлашда ўз одат ва қадриятларимиз ранг-баранглиги билан фахрланасак арзийди.

Агарда дунё халқларининг янги йилни қандай қутиб олишлари билан қизиқсак, ўзига ҳақ ва гоёт ажаб-тоғву удулар борлигига ҳам ишонч ҳосил қиламиз. Жумладан, Австрияда Янги йил байрамда мўри тозаловчиларни эъзозлаш одат тусига кирган экан. Улар кимнинг юзига қурум юқтирса, унинг учун бу йил омадли бўлармиш.

Энг ажабтоғви бирмаликларнинг расми-русумлари экан. Бирмада Янги йил оқшоми кишилар бир-бирлари ва кўчада учраган одамга кўза ёки челака сув сеппишаркан. Аммо бундан ҳеч ким ҳафа бўлмайди. Шундай қилишса, келатган йил уларга бахт ва омад келтирармиш.

Японларнинг Янги йилни қутиб олишлари ҳеч бир миллатникига ўхшамайди. Янги йил кириши билан улкан кўнғироқларнинг 108 марта жаранлашидан сўнг ҳамма уйкуга кетади. Агар кимки уқламаса, бахт ундан юз ўғирар эмиш.

Бразилияликлар эса Янги йилни оппоқ либослар кийиб қутиб олишади. Венгрияда байрам дастурхонига куш гўшти қўйилмайди. Бирок мол, қўй ва чўчка гўштидан қилинган таомлар дастурхон қурки ҳисобланади.

Гавана аҳолиси Янги йил кириши билан аввалдан тўлдириб қўйилган кўза, қўзачалардаги сувни деразаларни очиб, кўчага қуйиб юборишаркан. Муғуллар одати бўйича Янги йил дастурхонига турли ҳайвон гўштларидан қўйилсагина, ушбу йилда чорвачилик бароридан келармиш.

Комбоджада байрам кечаси шакар сеппиб қовурилган, 50 дона тухум билан кишилар бир-бирларини сийлашса, Янги йил бахт ва омад келтиради, деган тўшунча мавжуд.

Янги йилни италянларчилик қутиб оладиган халқ бўлмаса керак. Улар байрам оқшоми ўзларига ёқмаган идиш-товоқ, стол-стул, шкаф ва бошқа жиҳозларни кўчага улоқтиришади. Бу уларга бахт келтирармиш. Шунинг учун Янги йил кечаси ҳеч ким кўчага чиқмайди.

Т.АЗЛАРХОНОВ тайёрлади

Барча ерда бўлгани каби Сурхондарё вилоятида ҳам «Президент арчаси» байрам тадбири зўр шоду ҳуррамлик билан ўтказилди. Болажонлар арча атрофида уйнаб-қулиб, байрам совғалари олишди. Кичикитойларнинг янги йил шодлиғини кўриб қўйиб, қизил-сарғилари ва фаоллари жажжи ўғил-қизларни Янги йил билан муборакбод этишди. Термиз шаҳрида яшовчи кам таъминланган ва кўп болали оилаларнинг 150 нафар фарзандига касабга уюшма кенгашининг Янги йил совғалари топширилди.

КЎП БОЛАЛИ ОИЛАЛАРГА

Бундай тадбирлар вилоятнинг барча ҳудудларида зўр уюшқоқлик билан ўтказилди. Меҳр ва муруват йили муносабати билан жойларда кам таъминланган оилалар фарзандларига касабга уюшмаларининг байрам совғалари берилди. Шунингдек, вилоят бўйича 2 мингдан зиёд ногирон болаларга янги йил тўғралари тарқатилди. Касаба уюшма фаоллари Бойсун туманидаги «Меҳрибонлик уйи», Шўрчидаги ақли заиф болалар мактаб-интернати ва Сарисий туманидаги «Фарҳод» муруват уйда бўлишиб, қалб кендик, меҳрга ташна фарзандлар юрагига қувонч улаштиди. - деди вилоят касабга уюшмалари кенгаши раиси А.Аҳмедов.

Д. РУСТАМОВ

Ташаббус

мандаги оталигимиздаги 25-умумтаълим мактабига 5 миллион сўмлик компьютер, телевизор ва видеоманитобрлар совға қилинган фикри

ТАЛАБАЛАР

уйга бориб- келишлари учун йўл пуллари олишди

Шунингдек, жорий йилда 16 нафар профессор-ўқитувчига солиғини тиклаш учун «Турон», «Чинобод», «Чортоқ», «Хумсон» каби сихатгоҳларга бепул йўлнамалар берилди.

Касаба уюшма кўмитамиз ёшлар ўртасида спортни кенг оммалаштириш бўйича ҳам самарали ишлар олиб бормоқда. Ҳар йили факултетлараро футбол мусобақалари ўтказиб борилади. Фотиб жамоалар билан касабга уюшма кўмитаси томонидан таъсис этилган кимматбоҳ совғалар эгаси бўлишади. Талабаларимиз орасида мамлакат ва жаҳон чемпионлари борлиги қалбимизни чексиз фойхга тўлдиради.

Кириб келатган Меҳр ва муруват йили бизни янада кўпроқ эзгу ва савобли ишлар қилишга ундамоқда. Яқинда университетимиз томонидан Яққасарой туманидаги оталигимиздаги 25-умумтаълим мактабига 5 миллион сўмлик компьютер, телевизор ва видеоманитобрлар совға қилинган фикри

миз исботидир. Бундан ташқари, Юнусобод туманидаги 21-меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига ҳам турли хил совғалар тўғра қилинди.

Сайджон АҲМАДАЛИЕВ, Низоий номидати Тошкент Давлат Педагогика университети бирлашган касабга уюшма кўмитаси раисининг талабалар ишлари бўйича муовини

Бор бўл, оқибат!

ХОЛИС НИЯТЛИ КИШИЛАР

Меҳр ва муруват йили муносабати билан жойларда хайрли ташаббуслар, саъй-ҳаракатлар бошлаб юборилганлиги янада қувонарли. Оққўрғон туманидаги 14 ва 37-ўрта мактабларнинг бошланғич синф ўқувчилари ҳамда Навоий номи ширкат ҳўжалиги тасарруфидидаги кичкинтойлар масканида тарбия топаётган болажонларнинг Янги йил олди қувончлари, айниқса чексиз.



минлашга сарфланди.

Яқинда тумандаги «Покиза-М» фермер ҳўжалиги раҳбари Абдумалик Каримов 350 нафар ўқувчига Янги йил байрами совғаларини улашиб, аълочи ўқувчилар ва илгор ўқитувчилардан бир неча нафарини моддий қўллаб-қувватлади. Халқимизда меҳр кўрсатган меҳр топади, деган нақл бор. Фермер ҳўжалиги аъзолари туманда хайрли ишларга бош қўшиб кам бўлишмапти. Жорий йилда қишлоқ ҳўжалигидан 65 миллион сўм даромад кўриб, 28 миллион сўм соф даромадли бўлишди. Қарий 5 миллион сўм маблағ Обод маҳалла йилида 35 нафар қарияни Бухоро, Самарқанд шаҳарларига саёхатга олиб боришга, беш нафар кам таъминланган оилалар фарзандларини суннат тўйи қилишга, икки нафар келин-қўвларнинг бахт тўйини ўтказишга ва Қорасийрак ҳамда Ҳўжақишлоқ аҳолисини ичимлик суви билан таъ-

лаб чиқаришда илгор тажрибаларнинг қўлланилаётгани, мулкка муносабатининг ўзгариб бораётгани сифатли махсулот етиштиришга ва одамларни моддий қўллаб-қувватлашга бош омил бўлмоқда. Сарҳисобга қараганда ҳар бир ишчининг ўртача ойлиги 25 миң сўмдан тўғри келяпти. Бундан ташқари, маошга қўшимча қишлоқ ҳўжалиги махсулотлари ҳам бериб борилади.

Фермер ҳўжалиги аъзоларининг таъкидлашича, Меҳр ва муруват йилида Навоий номи ширкат ҳўжалиги тасарруфидида жойлашган 2 та ўрта мактабни юз фоиз оталиққа олиб замон талаблари даражасидаги спорт иншоотлари қуриб беришни режалаштирган. Шунингдек, даромадининг 30 фоизини саховат ишларига йўналтириш ҳам уларнинг эзгу мақсадларидан бири.

Абдусами ҲАКБЕРДИЕВ, «Ишонч» муҳбири Суратда: «Покиза-М» фермер ҳўжалиги раҳбари Абдумалик Каримов мактаб ўқувчилари билан.

П.ЭРГАШЕВ олган сурат

Хозирги вақтда кўпгина мамлакатларда, жумладан, Ўзбекистонда қўлланилаётган тақвимнинг маъини қадимги Рим календарига ташкил этиди. Дастлаб у ўн ойдан март (31 кун), апрел (30 кун), май (31 кун) июн (30 кун) қабилардан иборат бўлган. Яъни қадимги Рим йили бор-йўғи 304 кунни ташкил этган.

ТАҚВИМ ТАРИХИГА БИР НАЗАР

Кейинчалик, январ (29 кун) ва феврал (28 кун) ойлари қўшилди, 30 кунлик ойлар 29 кунга келтирилди. Шундай қилиб, Рим ҳисоби бўйича йил 355 кундан иборат бўлиб қолди.

Эрамыздан олдинги 46 йилга келиб Юлий Цезар тақвим жорий қилди ва бу билан аввалги Рим календарини бир мунча такомиллаштирди.

Юлий тақвими деб аталган шу календарга кўра, секстилий, децембр ва январ ойлари 31 кунга, июн, сентябр ва ноябр ойлари 30 кунга узайтирилди. Феврал оғи эса ҳар 4 йилда бир марта 29 кун бўлган қилиб белгиланди.

Бошқа ойлар эса аввалги ҳолича қолдирилди. Энди бир йил ўртача 365 кун чорак сутка бўлиб қолди. Бундан ташқари йилнинг бошланғич биринчи январга қўйрилди.

Гап шундаки, бу вақтга янги йил биринчи мартдан бошлар эди.

XVI асрда Рим папаси Григорий XIII Алзий Лили деган врачнинг тақвим лойиҳасини қабул қилди. Унинг моҳияти шундан иборат эдики, Юлий тақвими бўйича ҳар 128 йилда бир кун етишмай қолиши сабабли, биринчидан Юлий Цезар замонасида бери тақвимда қаммайиб қолган 10 куннинг ўрни тўлатилди. Иккинчидан, тақвимдан ҳар 400 йилда 3 кун чиқариб ташланганидан бўлди.

Юлий календаридан Григорий календарини янги аср ҳисоби бошланган йиллар ҳам агар улардаги юзликлар сонни 4 га қолдиқсиз бўлинса, кабиса йили ҳисобланади. Масалан, 1600, 2000 йиллар ҳам каки тақвим бўйича ҳам кабиса йиллари бўлса, 1700, 1800, 1900 йиллар фақат эски тартиб бўйича кабиса йили, янги тартиб бўйича эса оддий йил ҳисобланади. Бизнинг тақвимимиз ҳам Григорий календаридир.

А.АЛИЕВ

ИТАЛЬЯНЧА КРОССВОРД

Crossword puzzle grid with clues in Italian and English. Includes words like 'Ушбу йилда', 'Янги йилда', 'Қўшма ҳисоб'.

Янги йил шохона байрамлар сирасига қиради.

Ҳўш, уни халқлар қандай қутиб олишади? Янги йил шодлиғини эъзиз қўйиб, хитойда янги йилни қутиб олиш урф-одатлари зўқ мозиёга бориб тақалади.

Барча давлатларда йилнинг баҳоратлари 31 декабрга келиб, ўз кучини йўқотса, Хитойда бу сана 12-феврал қутиб белгиланган.

Янги йил таррадуллари байрамни нишонлаш кунидан анча илгари бошланади. Янги йил кечаси осмон мушаклардан ларазга келади. Байрам бир ҳафта давом этади.

Вьетнамда янги йил «Тэт» деб аталади. Ярим кеча осмон мушакларининг ранг-баранг нурларидан ёришиб кетади. Барча оила аъзолари дастурхон атрофида жамуллаб бўлиб, марҳумларни ёд этишади. Фақат эртаси кун кенга бориб улар уйлари тарк этиб, бир-

КИМ ҚАНДАЙ ҚУТИБ ОЛАДИ

бирлариникига меҳмонга боришади. Янги йил Мўғлистонда ҳам энг катта байрам ҳисобланади. «Ок ой» деб аталавчи бу қутлуғ шодлиғи кун мунажжилларнинг ҳисоб-китобларидан кейин аниқ бўлади. Эраклар одатга кўра, бош кийимда бўлиши шарт.

Болгарияда янги йил қирганлигидан дарак берувчи сўнгги бонг урилганда барча хонадонларда чирок ўчади. Шу дақиқаларда ҳамма ўлишиб, байрам билан бир-бирини табриқлайди.

Кимга байрам пирогои бўлғи ичидан танга чиқса, у янги йилда бой бўлади, атиргул ғунчаси чиққан киши эса ишқ-вафода бахтир бўлади, деб ҳисобланади.

Буюк Британияда инглизлар янги йилни одатда тантана билан нишонлашмайди.

Биров бировни янги йил оқшомига тақлиф қилиш одати йўқ. Бирок, ёзилмаган қондалар ҳам борки, унга кўра, янги йил оқшоми ёки туни ҳар киши ҳеч бир тақлифсиз истаган хонадонига кириб, байрамни нишонлайверади. Меҳмонлар эса уларни мамнуният билан қутиб олишади.

Голландияда янги йил дастурхонига майизли сомса тортиши расми бор. Уй бекалари бундай сомсени йилда бир марта пиширишади.

Японияда биринчи январдан учинчи январгача кишилар бир-бирлариникига бориб келишади. Майда-савадгарлар - сўтчилар, тикувчилар, кир ювувчилар, қосиблар ўз хожатмандлари ва харидорларига янги йил совғалари, дастурмой, сочиқлар тақдим этишади.

Эзув стопидаги қозғоларни йиғиштириб, энди кийиниб, уйга келмоқчи бўлиб турганда, телефон устм-уст жиринглаб қолди. Дастакдан бошлиқимизнинг хириллаган товуши эшитилди.

— Абдухалил, бир дақиқга олдимга кириб кетсангиз...

Кўп йиллик тажрибидан шу нақс маълумки, фақат шаксий топшириги бўлсагина бошлиқимиз исминини тўлиқ айтиб чиқаради. Бошқа вақтларда Ҳалил ёки Халилчиқ деб қўқради.

У мени ўрнидан туриб қарши олди. — Усадиган йилгитиз-да, ука. Янги йил арафасида, ҳамма уйга кетган бўлса ҳам, ишлаб ўтирибсиз, — деди у. — Дароқ, сирдан институтда ўқийсиз-а? Қачон битатди?

— Келаси йили, — дедим негадир ўзимни ноқулай сезиб. — Демак, бўлим мудирингиз Ҳосним аканинг ҳам тағига сув кетибди-да, — дея ўшмоқчиладим бошлиқ.

— Одамни уялтирманг, Улканбой Арслонович, — дедим уялиб. — Мендан бошқа ўқитишлар ҳам бор...

— Уларнинг йўли бошқа, сизнинг йўлингиз бошқа, ука. Биз айтдикми, ҳўн даявнингиз, — деди у самийий елкамга қўқиб. Кейин қўлидаги телеграммага кўз югуртирди.

— Келингойнгиз бугун дам олишдан қайтаридан бўлиб қоти. Самолёт кен соат ўн яқинда қўнаркан. Мен қутиб олишга чикмасам бўлмайди. Ҳар ҳолда Янги йил, байрам, деганларидек, дастурхонни безатиш керак. Уйлача, қишлоққа, сувисиникига кетган. Ҳамма нарсани тайёрлаб қўйганман. Бирор камчилик бўлса боозрога ҳам ўтиб келирсиз. Шунга... бир тушган ишимиз-да, ука.

— Гап йўқ, Улканбой Арслонович, — дедим ўрнидан турарканман, — бир оғиз сўзингиз. — Истасангиз Янги йилни бирга қутиб оламиз, — деди у. — Йўқ десангиз, биз келган уйга кетаверасиз.

Сўнг қўлимга пул ва хона қалитини тутқазди.

— Айтгандай, — деди у қўқиб кетатганимда мени тўқатиб, — квартиранинг қулфи ни мағадир яши ишлашмапти, Бекорчиликда бир қараб кўрарсиз.

— Елиб-юғуриб камчиликларни муҳайё қилдим, ҳатто эшикка янги чет эл қулфини ҳам ўрнатиб қўйдим. Байрам дастурхонини ўзим совға сифатида келтирган шампан виноси билан безатдим.

Совет ҳам кечки ил бирдан осиди. Телевизор томошга қилиб зериккан, энди айвонга чиқмоқчи эдим, эшик қўнғирогои жиринглаб қолди. Эшикнинг нариги томонидан бошлиқимизнинг, — Мулла Абдухалил, қороббо қорқуни етақлаб келди, марҳамат қилиб эшикни очинг, — деган товуши эшитилди.

— Хозир, ҳозир, — деганимча қалитга ёпишдим. Шунга уринаман, қани энди очилса.

— Хей, нима гап, нега оймайсиз? — Энди авл кишининг нароси оҳангдига овози эшитилди.

— Ассалому алайкум қорқиз келиноий. Эшик етиб келдингизми? Бир дақиқа, ҳозир очаман, — дедим баттар қалтираб.

Калитни икки қўллаб ҳам, дастурмойча ураб ҳам бұраб қўрдим, бұралай демейдими. Ҳўжолатдан пешонамдан муздай тер сизиб қолди.

— Қўқдаги қалани-қасангиларни топиб

қорасиз-а?! — Келиноий эрини қойиб бошлади. — Унингиз бировни бошлаб келганим дейман?

Энди бу гапга чидаб туролмадим. — Хечам ункамас, келиноийжон. Сорқриз бўлсин деб янги қўлф ўрнатганим, сабр қўлингиз, ҳозир очаман.

Келиноийнинг, — сюрприз қўлмай ўл, — деган қарғишини аниқ-таниқ эшитсам-да, унга эътибор қўладиган аҳволда эмасдим.

Яна ункаб қўрдим, иш чиқмади. Аҳолининг бошлиқ севди шекилли, эшикни тақилатиб:

— Қалитни балқондан ташла бўлмаса, сирдан очаман, — деди негадир сенсираб. Уйлаб қорқсам, обрў талашудиган пайт йўқ.

Балқонга чиқдим. Чирок йўқ, атроф қоронғи. Бешинчи қаватдан ердига қор ҳам қорайиб қўрунади.

— Нега анграясан, ташла қалитни, — деди зарда билан таниш овоз пастандан.

— Кечирасиз-у, сизни кўрмаганман-да. Тусомлаб бир шода қалитни пастга иритдим. Бир маҳал бошлиқнинг қойингани эшитилгандай бўлди. Юрагим шув этиб кетди.


— Топдингизми? — Тушиб ўзинг топ, бетамиз! Бироздан сўнг яна эшик қўнғирогои асабий жиринглади.

— Эшитаман, ҳўжайин, — дедим қулгимни эшикка қилиштириб. — Қанча аҳмоқ боласан, — деди бошлиқ дағал овоз билан. — Қалитни ҳам йўқотдинг. Янги йил юзига янги дақиқа қолди. Нима энди Янги йилни қўчада қутиб оламизми?

Ним табассум

ҚўНФИРОҚЛАР, ҚўНФИРОҚЛАР...

- Алло, бу телефоннинг номери 47-12 мей.
- Йўқ.
- Кечирасиз, адашибман.
- Ҳа, адашдингиз. Бизда умуман телефон йўқ.
- ...- Овдан қайтган эри хотинига қўнғироқ қилипти.
- Азизам, хурсанд бўлавер, бир ой мағазиндан гўшт харид қилмайди бўлдинг.
- Вой, мунча яхши, тўнғиз отдингизми? — деб сўрапти хотин хурсанд бўлиб.
- Йўқ, маошимни ичиб қўйдим.
- ...- Хорғин эр уйга қелиб, хотинига дейди: — Ким қўнғироқ қўлса ҳам, мени уйда йўқ дегин.
- Телефон жиринглайди. Хотин дастакни олади.
- Эрим уйда!
- Эри ўрнидан сапчиб туриб, телефон олди-га келади.
- Мени «йўқ» дегин дедим-ку...
- Ховлиқмай қўнғироқ, — деди хотин, — халиям сизга қўнғироқ қилганлари йўқ.



ISHONCH МУАССИС: Ўзбекистон касабга уюшмалари Федерацияси

Тахир хайъати: Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимқўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзохид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов. E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама ва эълонлар бўлими (3712) 56-85-79. Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Манзилымыс: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр қурсаткичи: 133; 134. Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамдан гувоҳнома берилган. IBM компьютерда терилди ва сақлаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ, Сотувда эркин нарҳда. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.